

А Ж Р И М

2023 йил февраль ойининг 20-куни жиноят ишлари бўйича Қува тумани суди, Қува тумани Маданият уй биносида, сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи З.Омонов, С.Исроиловнинг котиблигида, туман прокурори ёрдамчиси Ҳ.Комилжонов иштирокида, Қува тумани ИИБнинг маҳкум Султонов Акбархон Рустамовични ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги тақдимномасини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Султонов Акбархон Рустамович (Sultonov Akbarxon Rustamovich), 1985 йил 22 август куни Қува туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзандлари бор, Қува туманидаги “Қувончбек Зоҳиджон Фермаси” МЧЖда ишчи, муқаддам ЖИБ Қува туман судининг 2021 йил 2 декабрь кунги ҳукмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисми “б,г” бандлари, 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан судланиб, ЖК 45,59-моддалари тартибида, 1 йилга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 2 йил 2 ойга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ҳозирда жазонинг 10 ойини ўтаган, ўталмаган жазо муддати 1 йил 4 ойни ташкил этади, Қува тумани, “Қайирма” МФЙ, Андижон кўчаси 263-уйда яшайди.

Қува тумани ИИБнинг тақдимномасида, Султонов Акбархон ЖИБ Қува тумани судининг 2021 йил 2 декабрь кунги ҳукмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисми “б,г” бандлари, 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан судланиб, ЖК 45,59-моддалари тартибида, 1 йилга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 2 йил 2 ойга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлангани, ҳозирда тайинланган жазони 10 ойини ўтагани, ўталмаган жазо муддати 1 йил 4 ойни ташкил этиши, А.Султонов жазонинг ўташ тартиб-қоидаларига риоя этгани баён этилиб, унга ЖК 73-моддасини қўллаб, ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод этиш сўралган.

Қува тумани ИИБ Пробацяя бўлими инспектори Ш.Ғаниев судда, А.Султонов жазони ўташ даврида жазони ўташ тартиб-қоидаларига риоя этгани, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлгани ҳақида кўрсатув бериб, А.Султоновга ЖК 73-моддасини қўллаб, уни ўталмаган 1 йил 4 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод этишни сўради.

Маҳкум А.Султонов судда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлгани, ўзига тегишли хулоса чиқариб олгани, Қува тумани ИИБ



пробация бўлими инспектори томонидан жазони ўташ тартиб-қоидалари тушунтирилиб, келгусида жиноят содир этмаслиги ҳақида огоҳлантирилгани, жазони ўташ тартиб-қоидаларини бузмаганини айтиб, 1 йил 4 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан уни муддатидан илгари шартли озод қилишни сўради.

Суд, пробация инспектори Ш.Ғаниевнинг кўрсатувини тинглаб, прокурорнинг фикрини эшитиб, иш ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси 3-қисми “а” бандида, “ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жинояти учун, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини” ўтаган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилганига асосланиб, Қува тумани ИИБнинг А.Султоновни ўталмай қолган 1 йил 4 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги тақдимномасини қаноатлантиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси ва ЖПК 423, 536-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Қува тумани ИИБнинг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан маҳкум Султонов Акбархон Рустамович ўталмаган 1 йил 4 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Ажрим нусхаси ижро қилиш учун Қува тумани ИИБга юборилсин.

Ажримдан норози томон йигирма кун ичида жиноят ишлари бўйича Қува тумани суди орқали Фарғона вилояти судига хусусий шикоят ва хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

З.Омонов

